

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

10-сон  
(1134)  
2024 йил  
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

85. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 мартдаги ПҚ–114-сон қарори
86. «Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 мартдаги ПҚ–115-сон қарори

### Бешинчи бўлим

87. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 26 январдаги 42/17-сон «Ипотекани қайта молиялаштириш ташки-

лотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3219-1*)

88. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 2 февралдаги 102-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»га ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-6*)

89. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 7 февралдаги 6-сон «Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3500*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ****85 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–269-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Расмий статистика соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2024-2025 йилларда эришиши лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) 5-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг (кейинги ўринларда — Статистика агентлиги) Статистика кенгаши таркиби ва унинг низоми 6\*\* ва 7-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Статистика агентлиги тизимининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тузилмалари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 1 722 нафар, шу жумладан Агентлик директори ўринбосарлари сони 2 нафар ҳамда ишлаб чиқариш ходимларининг умумий чекланган сони 141 нафар этиб белгилансин.

Статистика агентлигининг марказий аппарати ҳамда ҳудудий бўлинмаларининг 194 нафар штат бирликлари мақбуллаштирилаётганлиги инобатга олинсин.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий статистика сифатини таъминлаш бўйича базавий принциплари миллий статистика тизимига жорий этилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил якунига қадар:

а) расмий статистикани тайёрловчилар томонидан тарқатиладиган ста-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 мартда эълон қилинган.

\*\* 2, 4 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тистика маълумотларининг Статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг намунавий модели (GSBPM) асосида шакллантирилиши йўлга қўйилсин;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тавсия этилган сифатни бошқариш бўйича қўлланмаларни тўлиқ жорий этиш доирасида зарур ташкилий чоралар қўрилсин. Бунда:

расмий статистикани тайёрловчиларнинг ҳар бирида расмий статистикада сифат ва тарқатиш сиёсатлари ишлаб чиқилади;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан маъқулланган қўлланма (NQAF) асосида Миллий сифатни бошқариш қўлланмаси ишлаб чиқилади;

халқаро экспертларни кенг жалб этган ҳолда миллий статистика тизимини глобал баҳолашдан ўтказиш ташкил этилади ва натижалари эълон қилинади.

4. Статистика агентлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг 2025 йил 1 январдан бошлаб, статистика кузатувларини амалга ошириш жараёнига консалтинг компаниялари, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини (кейинги ўринларда — статистика кузатувчилари) жалб этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда:

статистика кузатувчилари томонидан бирламчи маълумотларнинг ошкор этилмаслиги кафолатланади;

статистика кузатувлари пудрат шартномаси асосида амалга оширилади, иш ҳажми, кузатув услубиёти, кузатиш муддати расмий статистикани тайёрловчилар томонидан белгилаб берилади.

Статистика агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда статистика кузатувчилари фаолиятини тартибга солишга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин.

5. Статистика агентлиги тизимида интеграция жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида, 2024 йил якунига қадар «Статистика» интеграллашган ахборот тизими вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан қўйидаги маълумотларни олиш мақсадида интеграция қилинсин:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг корхона ва ташкилотларнинг меҳнат кўрсаткичлари тўғрисидаги;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг жисмоний шахслар томонидан яқка тартибда қурилган турар жойларни ва нотурар биноларни фойдаланишга топшириш тўғрисидаги;

Адлия вазирлигининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тўғрисидаги;

«Ўзбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси» АЖнинг биржа савдоларига қўйиладиган товарлар нархлари тўғрисидаги;

«Ўзбекнефтгаз» АЖнинг нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда нефть ва газ конденсатининг манбалари ва тақсимоли тўғрисидаги;

IT-Park дирекциясининг резиденти бўлган ташкилотлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар.

Белгилансинки, 2024 йил якунига қадар «Статистика» интеграллашган

ахборот тизими ва «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси ўртасида электрон маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилади. Бунда расмий статистика маълумотларини шакллантириш мақсадида, тегишли бирламчи маълумотлар Статистика агентлиги томонидан «Электрон ҳукумат» тизимидан мустақил равишда олинади.

Статистика агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида бир ой муддатда статистика маълумотларини тақдим этувчи веб-сайтлардаги (siat.stat.uz, aholi.stat.uz, gender.stat.uz, nsdg.stat.uz ва бошқалар) маълумотларни мунтазам кенгайтириб бориш ва янгилаш чораларини кўрсин.

6. Фойдаланувчиларнинг кенг оммаси, шу жумладан бизнес вакиллари ва илмий тадқиқотчилар, халқаро ташкилотларнинг статистика маълумотларидан қониқиб даражасини аниқлаш ва ошириб бориш мақсадида Статистика агентлиги:

2024 йил якунига қадар «Расмий статистика маълумотларига бўлган ишонч индекси» услубиётини ишлаб чиқсин;

2025 йил 1 мартга қадар фойдаланувчилар ўртасида тегишли сўровларни ўтказсин ҳамда натижаларини эълон қилсин;

2025 йил 1 апрелга қадар расмий статистика маълумотларига бўлган ишонч индексини яхшилаш бўйича мақсадли кўрсаткичларни ишлаб чиқсин ҳамда кейинги йилдан бошлаб ҳар йили 1 мартда тегишли сўров натижаларини эълон қилиб борсин.

Расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари Статистика агентлиги томонидан эълон қилинган расмий статистика маълумотларига бўлган ишонч индекси натижалари асосида улар томонидан тарқатиладиган статистика маълумотларига нисбатан ишонч даражасини яхшилаш бўйича доимий чораларни кўриб борсин.

7. Белгилансинки, Статистика агентлиги:

расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

расмий статистика соҳасидаги дастурларнинг ишлаб чиқилишини, амалга оширилишини ва уларни мамлакатнинг бошқа мақсадли дастурлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш чораларини кўради;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган кўп йиллик статистика дастури ҳамда Статистика кенгаши томонидан тасдиқланадиган бир йиллик статистика дастури асосида амалга оширади;

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига бевосита бўйсунди ва унга ҳисобот тақдим этади, давлат буюртмаси бўйича статистика ишларининг бажарилиши тўғрисида эса ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот бериб боради;

расмий статистика бошқа тайёрловчиларининг статистика услубиётларини халқаро тавсияларга мувофиқлиги бўйича аудитдан ўтказди, уларни мувофиқлаштириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади;

Статистика кенгаши билан келишган ҳолда лойиҳа гуруҳларини (офисла-

рини) ташкил этади, консалтинг ташкилотларини жалб этади ҳамда халқаро молия институтлари, халқаро ташкилотлар ва экспертлар билан ҳамкорлик бўйича ва бошқа шартномаларни тузади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги белгиланган тартибда тасдиқланадиган бир йиллик статистика дастурларини республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

Статистика агентлиги бир ой муддатда ҳар йилги статистика дастурини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқсин ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Статистика агентлиги расмий статистикани шакллантириш билан боғлиқ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда амалга оширади;

статистика органларининг қонуний фаолиятига, шу жумладан, статистика кузатувларини ўтказиш, статистика маълумотларини тайёрлаш ва уларни эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай аралашигга йўл қўйилмайди;

Статистика агентлиги томонидан шакллантириладиган статистика маълумотлари расмий статистика ахбороти сифатида эълон қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Статистика агентлигига бўйсунди;

ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари ва ўринбосарлари, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори ва ўринбосарлари Статистика агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади;

туман (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари Статистика агентлиги билан келишган ҳолда ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Статистика агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда уй хўжаликлари танланма кузатуви маълумотлари доирасида ҳар йили аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ҳамда камбағаллик даражаси кўрсаткичларини шакллантириш ва эълон қилиб боришни таъминласин.

9. Статистика агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси киритилишини таъминласин.

Бунда:

Статистика агентлиги тизимидаги барча ходимлар қайта тайёргарликдан ўтказилиб, натижаси бўйича Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигида тест синовларини топшириши;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг статистик маълумотларни йиғиш ва ҳисоботларни

юритиш учун масъул бўлган ходимлари Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида малака ошириш курсларида ўқитилиши;

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти хорижий ҳамкорлар, шу жумладан Корея Республикасининг Статистика тренинг институти ва Статистик тадқиқотлар институти билан ҳамкорлик ўрнатиб, ўқув дастурлари янгиланиши, ўқув жараёнларига хорижий илмий педагог ходимлар жалб қилиниши ҳамда қўшма тадқиқот лойиҳалари амалга оширилиши инobatга олинсин.

10. Белгилансинки, Статистика агентлиги директори ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

11. Статистика агентлиги Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 8-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Статистика агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

«Расмий статистика тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори Б.А. Бегалов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 март,  
ПҚ–114-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 мартдаги  
ПҚ–114-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари**

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

а) расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш, статистика услугиётлари ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш;

б) фойдаланувчилар эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга долзарб статистика маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш жараёнларини ташкил этиш;

в) халқаро даражада умумқабул қилинган расмий статистиканинг асосий принциплари асосида сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган таъсирчан механизмларни амалиётда қўллаш;

г) статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, ўз ахборот тизимларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;

д) давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

е) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг юқори даражада амалга оширилишини таъминлаш;

ж) миллий статистика тизимидаги кадрлар салоҳиятини ошириш ва статистик тадқиқотларни ривожлантириш борасида фаол сиёсатни юритиш.



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 мартдаги  
ПҚ-114-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Статистика агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг (кейинги ўринларда — Статистика агентлиги) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

2. Статистика агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига бевосита бўйсунди ва унга ҳисоб беради.

3. Статистика агентлиги расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

4. Статистика агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

5. Статистика агентлиги ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган кўп йиллик статистика дастури ҳамда Статистика кенгаши томонидан тасдиқланадиган бир йиллик статистика дастури асосида амалга оширади.

6. Статистика органлари фаолиятига, шу жумладан, статистика ҳисоботларини йиғиш, статистика кузатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш ва эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай аралашигга йўл қўйилмайди.

7. Статистика агентлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарор ва буйруқлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

8. Статистика агентлиги юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳр ва бланкларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида шахсий ғазна ҳисобварақларига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисобварақларига эга бўлади.

9. Статистика агентлигининг расмий номланиши:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги, қисқартирилган номи — Статистика агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи — Statistics Agency under the President of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи — StatAgency;

в) рус тилида:

тўлиқ номи — Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Агентство статистики.

10. Статистика агентлигининг жойлашган манзили (почта манзили): 100170, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 63-уй.

### **2-боб. Статистика агентлигининг тузилмаси**

11. Статистика агентлиги тизимига қуйидагилар киради:

Статистика агентлигининг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри статистика бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий статистика бошқармалари);

туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари;

Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти.

12. Статистика агентлигининг Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Институт) статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг статистика соҳасида касбий даражаси ва малакасини оширади, статистика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб боради ва инновацион ишланмаларни амалга оширади.

### **3-боб. Статистика агентлигининг асосий вазифалари ва функциялари**

13. Қуйидагилар Статистика агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади:

расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш, статистика услубиётлари ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш;

фойдаланувчилар эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга долзарб статистика маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш жараёнларини ташкил этиш;

халқаро даражада умумқабул қилинган расмий статистиканинг асосий принциплари асосида сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шаклантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган таъсирчан механизмларни амалиётда қўллаш;

статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларида рақамли технология-

лардан кенг фойдаланиш, ўз ахборот тизимларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг юқори даражада амалга оширилишини таъминлаш;

миллий статистика тизимидаги кадрлар салоҳиятини ошириш ва статистик тадқиқотларни ривожлантириш борасида фаол сиёсатни юритиш.

14. Статистика агентлиги ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, расмий статистикани ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятни миллий статистика тизими доирасида мувофиқлаштириш, статистика услубиётлари ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш соҳасида:

расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда расмий статистика соҳаси ривожланишининг истиқболли мақсадлари ва йўналишларини белгилайди;

миллий статистика тизимида статистика фаолиятини ташкил этишнинг халқаро даражада тавсия этилган илғор услубиётлари ва тавсияларини жорий этиш юзасидан зарур чораларни амалга оширади;

кўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурларининг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради ва амалга оширилишини мониторинг қилади;

расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда амалга оширади ва статистика дастурлари доирасида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этилишини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика услубиётлари ягоналигини таъминлайди, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари статистика услубиётларини халқаро тавсияларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказди;

миллий статистика тизими фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этади, расмий статистика соҳаси масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритади;

расмий статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда халқаро тавсиялар асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиётларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди, жорий этади ва такомиллаштиради;

ваколати доирасидаги масалалар бўйича тавсия, қўлланма ва кўрсатмалар ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалиётга жорий этади;

расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш асосида статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалиётга жорий этади, статистика кузатувларини ўтказиш усулларини белгилайди; маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ўзлари йиғадиган статистика кузатувлари шакллари келишади.

б) фойдаланувчилар эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга долзарб статистика маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш жараёнларини ташкил этиш соҳасида:

иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳамда бошқа хусусиятга эга статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, сақлаш, тарқатиш ва эълон қилиш ишларини амалга оширади;

миллий статистика тизимига кирувчи расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан биргаликда статистика дастурларининг бажарилишини таъминлайди;

мамлакатни, унинг ҳудудларини, тармоқлар ва соҳаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг бажарилиши жараёнлари юзасидан статистика кузатувларини ташкил этади ва амалга оширади;

статистика маълумотларини йиғишни, уй хўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олишларни, бир маротабалик ҳисобга олишларни, танланма сўровларни ва бошқа статистика кузатувларини ўтказишни ташкил этади;

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг статистик ҳисоб-китобларини амалга оширади ҳамда мамлакатдаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларнинг дастлабки статистик таҳлилинини олиб боради;

респондентларга электрон шаклдаги статистика ҳисоботларини тўлдириш ва тақдим этиш учун махсус ахборот тизимидан бепул фойдаланиш имконини яратади;

респондентларга ишончли статистика маълумотларини тақдим этишда ҳар томонлама қўмаклашади, статистика маълумотларини тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқади;

статистика ҳисоботларини йиғиш, статистика кузатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда уларни тарқатиш ва эълон қилиш жараёнларига давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳар қандай аралашувини истисно қилиш чора-тадбирларини кўради;

маълумотлар базасини, статистика регистрларини, веб-сайтларни шакллантиради, юритади ва янгилаб боради, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишга доир зарур тушунтиришлар беради;

расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари билан статистика маълумотлари ва метамаълумотлар алмашинувини кенг йўлга қўяди;

олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот ва индивидуал маълумотлардан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймасликни, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида статистика органлари фаолияти жараёнларида олинган хизмат, банк, тижорат сирларини ва бошқа махфий маълумотларни ўз ичига олган ахборотларни сақлаш ва ҳимоялашни таъминлайди;

қўшимча равишда ишлов берилган статистика маълумотларини, босма нашрларни ва бошқа материалларни расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг сўровига кўра пулли асосда тақдим этишни амалга оширади;

шартнома асосида расмий статистика масалалари бўйича пулли хизматлар, шунингдек, Статистика дастуридан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади ҳамда ишларни бажаради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ статистика органлари фаолияти жараёнларида юзага келган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга оширади;

в) халқаро даражада умумқабул қилинган расмий статистиканинг асосий принциплари асосида сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган таъсирчан механизмларни амалиётда қўллаш соҳасида:

расмий статистика маълумотлари расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этган ҳолда тайёрланиши ва тарқатилишини ташкил этади;

сифатли ва ишончли статистика маълумотларини шакллантириш, уларнинг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганади ва уларни расмий статистика соҳасига жорий этиш чораларини кўради;

расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган статистика кузатувлари тизимини мақбуллаштириш йўли билан холисона, сифатли ва талаб юқори бўлган ҳисобот маълумотлари тайёрланишини, танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончилиги босқичма-босқич оширилишини мувофиқлаштиради;

расмий статистика учун зарур бўлган статистик таснифлагичларни ишлаб чиқади ва юритади, халқаро стандарт таснифлагичлар асосида уларнинг мунтазам равишда қайта кўриб чиқилишини амалга оширади;

очиқ статистика маълумотларини статистика органлари, расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари, бошқа давлат органлари ва халқаро ташкилотларнинг интернет ресурслари ҳамда нашрларида жойлаштириш йўли билан тарқатади ва барча фойдаланувчиларга расмий статистика маълумотларидан кенг фойдаланиш учун тенг имкониятларни яратади;

бошқа мамлакатларнинг расмий статистикани тайёрловчилари ва халқаро ташкилотлар билан очиқ статистика маълумотларини ўзаро алмашади;

миллий ва хорижий фойдаланувчилар учун расмий статистика маълумотларининг максимал даражада очиқлиги ва шаффофлигини, шу жумладан,

республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб бориш кўрсаткичлари халқаро статистик тўпламларда чоп этилишини таъминлаш мақсадида халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлайди;

расмий статистика соҳасида халқаро ташкилотлар, статистика институтлари ва бошқа мамлакатларнинг расмий статистикани тайёрловчилари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида белгиланган тартибда битимлар тузади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

расмий статистика соҳасига халқаро даражада тавсия этилган илғор тизимлар ва тавсияларни жорий этиш учун халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва бошқа чет эллик донорларнинг маблағлари ҳамда грантлари (техник кўмаги)ни жалб этиш ишларини амалга оширади;

расмий статистикадан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, статистика маълумотларининг мазмуни ва сифатини янада яхшилаш мақсадида фойдаланувчилар ўртасида тақдим этилаётган статистика маълумотларидан қониқиш даражасини баҳолаш бўйича сўровлар ўтказилади;

расмий статистика маълумотларининг манбалари, уларни тайёрлаш усуллари, ишончилиги, шаффофлиги, ошкоралиги ва сифати тўғрисида фойдаланувчиларни метамаълумотлар ёрдамида хабардор қилиб боради.

г) статистика маълумотларини тайёрлаш жараёнларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, ўз ахборот тизимларини расмий статистиканинг бошқа тайёрловчилари ва маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш соҳасида:

статистика ахборотларининг тезкорлик билан узатилиши ва уларни қайта ишлашни таъминловчи рақамли технологияларни статистика органлари фаолиятига жорий этади;

статистика кузатувларини ўтказиш, расмий статистика маълумотларини шакллантириш ва таҳлил қилиш мақсадида, заруратга кўра, мавжуд ахборот тизимларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини босқичма-босқич йўлга қўяди;

статистика маълумотлари билан ишлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини ошириш, статистика органларида фойдаланиладиган ахборот тизимларини доимий такомиллаштириш, статистика маълумотларининг ягона банкини шакллантириш, кўрсатилаётган интерактив хизматлар таркибини кенгайтириш ва сифатини яхшилашни таъминлайди;

расмий статистикадан фойдаланувчиларга реал вақт режимида статистик кўрсаткичларнинг кенгайтирилган рўйхатидан эркин фойдаланиш имконини берувчи статистика маълумотлари базасини ишлаб чиқади ва юритади;

ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот алмашинувининг ҳимояланган электрон шаклига босқичма-босқич ўтиш, хавфларга қарши тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш учун норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-техник базани такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

миллий ахборот макони яхлитлигини сақлаш, статистика органлари ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш,

шунингдек, уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш бўйича зарур чораларни кўради;

ягона таснифлаш тизими асосида юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификациялашни, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри самарали фаолият кўрсатишини ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди;

ўзаро мос ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш учун асос сифатида статистик таснифлагичлардан фойдаланишни таъминлайди;

интернет ресурсларига жойлаштириш йўли билан статистик таснифлагичлар ва уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида фойдаланувчиларни хабардор қилади;

д) давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгिलाш ҳамда тегишли ахборотларнинг Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотларининг Порталда эълон қилинадиган очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини умумлаштириш ҳамда янгиланишнинг аниқ муддатлари ва даврийлигини белгилаган ҳолда тасдиқланишини ҳамда мунтазам янгилаб турилишини ташкил этади;

Портални янада ривожлантириш ва унинг функционал имкониятларини кенгайтириш бўйича «йўл харита»ларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда тасдиқланишини ташкил этади;

очиқ маълумотларни етказиб берувчи давлат органлари ва ташкилотларига ҳамда фойдаланувчиларга Порталдан самарали фойдаланиш бўйича услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан рўйхат асосида маълумотларнинг тўлиқ жойлаштирилиши ҳамда уларнинг ўз вақтида Порталда акс эттирилиши бўйича фаолиятни баҳолашда иштирок этади ва мувофиқлаштиради;

Порталда эълон қилинган очиқ маълумотлар тўпламлари долзарблигини доимий мониторинг қилади;

очиқ маълумотларни етказиб берувчи давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларининг очиқ маълумотлар соҳасида малакаларини ошириб боришни амалга оширади;

Порталнинг функционал имкониятлари ўзгарганлиги тўғрисида ундан фойдаланувчиларнинг хабардор қилинишини ташкил этади;

мамлакатда очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

е) рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларнинг юқори даражада амалга оширилишини таъминлаш соҳасида:

рўйхатга олиш ҳужжатлари шакллари, рўйхатга олувчи ходимлар гувоҳномаси шаклини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

рўйхатга олиш дастурларини ва рўйхатга олиш варақалари шакллари, ишлаб чиқади ва уларнинг ҳудудларга етказилишини таъминлайди;



рўйхатга олишни ўтказиш тўғрисида аҳолини хабардор қилишга доир ишларни мувофиқлаштиради;

рўйхатга олишга жалб этиладиган ходимларни танлаб олиш ва ўқитиш тартибини белгилайди ва ўқитишни ташкил этади;

рўйхатга олиш натижалари миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун эълон қилинишини таъминлайди;

рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан, вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартибини белгилайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди;

ж) миллий статистика тизимидаги кадрлар салоҳиятини ошириш ва статистик тадқиқотларни ривожлантириш борасида фаол сиёсатни юритиш соҳасида:

Статистика агентлиги тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурини тасдиқлайди ҳамда унинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

статистика соҳасида кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш ишларини ташкил этишда республика илмий ва таълим муассасалари ҳамда халқаро статистика институтлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

вазирлик ва идоралар ходимларининг статистика соҳасидаги билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириш бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини тасдиқлайди ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

кадрлар малакасини ошириш жараёнларига видеоконференцалоқа тизими ва рақамли технологияларни қўллаган ҳолда масофавий ўқитиш тизимини самарали ташкил этади;

бошқарув ходимларини ишга қабул қилишда лавозимларга номзодларни очиқ танлов асосида қабул қилишни амалга оширади;

статистика органлари фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг самарали меҳнат қилишлари, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш чораларини кўради;

статистика органлари ходимлари учун лавозим ва малака даражаларига кўтарилишда уларнинг меҳнат фаолияти, иродавий ва ахлоқий сифатлари, иқтидори ва кўникмаларини холисона баҳолашга асосланган тенг имкониятлар яратади;

статистика органлари ходимларида юксак касбий одоб-ахлоқни, коррупцияга қарши туриш маданиятини ва унга тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатни шакллантириш бўйича таъсирчан чораларни кўради;

расмий статистика соҳасида амалиётга жорий этишга қаратилган илмий ва статистик тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида илғор статистик усуллар ва воситалар асосида инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чораларини кўради;

халқаро тавсиялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб бориш мақ-



садида статистикага доир турли халқаро тадбирлар, семинар, тренинглр ва бошқа тадбирларда тизим вакилларининг иштирокини таъминлайди;

Статистика агентлиги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **4-боб. Статистика агентлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

15. Статистика агентлиги ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

статистика кузатувлари шаклларини, уларни тақдим этиш тартибини тасдиқлаш, статистика кузатувларини олиб бориш усулларини белгилаш ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчиларнинг ўзлари йиғадиган маълумотлари мазмуни, услубиёти ва рўйхатини келишиб бериш;

статистика маълумотларини тақдим этувчи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) ва бошқа респондентлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан статистика соҳасидаги бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан ҳамда бошқа юридик шахслардан (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналаридан) статистика кузатуви шаклларини олиш ва статистика кузатуви маълумотларидан статистика мақсадларида фойдаланиш;

кузатувларни, таҳлилларни ўтказиш ва расмий статистикани шакллантириш мақсадида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари маъмурий маълумотлар базаларидан, жумладан уларни ўзаро интеграциялаш орқали тўсиқларсиз фойдаланиш;

жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги регистрлар ва маълумотлар базаларини яратадиган ҳамда юритадиган давлат органлари ва уларнинг тасарруфидаги ташкилотлардан статистика регистрларини шакллантириш ҳамда ўз вақтида янгилаш учун зарур бўлган ахборотларни бепул олиш;

расмий статистиканинг бошқа тайёрловчиларининг статистика услубиётларини халқаро тавсияларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш, но-мувофиқлик аниқланган тақдирда ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

расмий статистика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаш, уларни ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси илмий муассасалари, бошқа ташкилотлари ва хорижий ташкилотларни, шунингдек, республиканинг етакчи олимлари ва хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

расмий статистикани тайёрлаш учун зарур бўлган статистика маълумотларини йиғишга жисмоний ва юридик шахсларни қонунчилик ҳужжатларига

мувофиқ шартнома асосида жалб этиш, жисмоний шахс бўлган респондентларни статистика кузатувларида иштирок этганлиги учун моддий рағбатлантиришни мустақил равишда амалга оширишни ташкил этиш;

юримдик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартнома асосида статистик, консалтинг, таҳлилий, ахборот, ноширлик ва статистика дастуридагидан ташқари бошқа хизматларни кўрсатиш ҳамда экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан, хорижий) жалб этиш;

статистика кузатувларида иштирок этган респондентларни моддий рағбатлантириш қийматлари ва шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар тарифларини мустақил равишда белгилаш;

статистика ҳисоботларини тақдим этиш билан боғлиқ қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ва қонунга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллаш;

Статистика агентлигининг махсус жамғармасини статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузганлик учун мансабдор шахсларга қўлланадиган маъмурий жарималар ва бошқа тушумлар ҳисобига шакллантириш ва ундан белгиланган тартибда фойдаланиш;

худуднинг эҳтиёж ва шароитларини инобатга олган ҳолда Статистика агентлиги тизимига кирувчи вилоят ёки туман (шаҳар) ёхуд туманлараро (худудлараро) шаклда бўлинмалар ташкил этиш, алоҳида вазифаларни амалга ошириш учун функционал бўлинмаларни шакллантириш;

халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, расмий статистика масалалари бўйича, шу жумладан, халқаро семинарлар ва анжуманлар ўтказиш;

зарур ҳолларда, вазирлик ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш.

Статистика агентлиги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### 16. Статистика агентлиги:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, расмий статистика соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

расмий статистиканинг асосий принципларига риоя этилишини ва халқаро тавсияларга мувофиқ бўлган статистика услубиётларининг бирлигини таъминлаш;

мамлакатни, худудларни, тармоқлар ва соҳаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат дастурларининг бажарилиши жараёнлари юзасидан статистика кузатувларини ташкил этиш;

статистика маълумотларини йиғишни, уй ҳўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олишларни, бир маротабалик ҳисобга олишларни, танланма сўровларни ва бошқа статистика кузатувларини ўтказишни ташкил этиш;

расмий статистика соҳасини ривожлантириш бўйича стратегиялар, дастурлар, чора-тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларни самарали амалга ошириш;

барча даражадаги фойдаланувчиларни белгиланган тартибда расмий статистика маълумотлари билан таъминлаш;

халқаро ва минтақалараро статистик қиёслашларни амалга ошириш;

статистика мақсадларида фойдаланиш учун статистика регистрлари ва таснифлаш тизимини юритиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг статистика соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.

### **5-боб. Статистика агентлиги раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари**

17. Статистика агентлиги зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ унинг раҳбарлари қуйидаги функционал мажбуриятларни бажарадилар:

а) Статистика агентлиги директори:

Статистика агентлиги фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар бўлади;

Ўз ўринбосарлари ва Статистика агентлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотлари мансабдор шахсларининг ваколатлари ҳамда шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди;

Ўз ваколоти доирасида Статистика агентлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотларининг барча ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган қарор ва буйруқлар қабул қилади;

Ўз ваколоти доирасида Статистика агентлиги марказий аппаратининг харажатлар сметасини ва белгиланган штатлар сони доирасида штатлар жадвалини тасдиқлайди;

белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўз ваколоти доирасида Статистика агентлиги марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий ташкилотларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритади;

Статистика агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармаларнинг низомлари ва Институт уставини тасдиқлайди;

ижро интизомига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш муддатлари ва тартибига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

Статистика агентлиги тизими ходимларининг тизимли равишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этади;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

б) Статистика агентлиги директори ўринбосарлари:

расмий статистика соҳасини ривожлантириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашни ташкил этишда иштирок этади;

Статистика агентлиги директорининг топшириқларига биноан расмий статистикани ривожлантиришга оид дастурий ҳужжатларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

Статистика агентлиги марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига мувофиқ тегишли бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзлари мутасаддилик қилаётган марказий аппарат таркибий бўлинмаларида кадрлар захирасини шакллантириш бўйича ишларни тизимли асосда ташкиллаштиради;

Статистика агентлиги директори вақтинча иш фаолиятида бўлмаганида тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажаради;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

қонунчилик ҳужжатлари ва Статистика агентлиги директорининг қарор ва буйруқларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

в) Статистика агентлиги марказий аппарати таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари:

таркибий бўлинма тўғрисидаги низомларга мувофиқ аниқ йўналишлар бўйича вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

ўзлари мувофиқлаштираётган соҳаларнинг ривожланиш ҳолатини баҳолайди ва амалга оширишнинг самарали механизмлари билан уларни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни Статистика агентлиги раҳбариятига киритади;

Статистика агентлиги ҳайъати қарорлари, Статистика агентлиги директорининг қарор, буйруқ, кўрсатмалари, унинг ўринбосарлари кўрсатма ҳамда топшириқлари ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлайди;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

қонунчилик ҳужжатлари ва Статистика агентлиги директорининг қарор ва буйруқларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради;

г) Статистика агентлиги ҳудудий бўлинмалари ва идоравий ташкилотлари раҳбарлари:

юклатилган вазифаларга, шунингдек, Статистика агентлиги раҳбариятининг топшириқларига мувофиқ бошқармаларнинг фаолиятини ташкил этади;

Статистика агентлиги ҳайъати қарорлари, Статистика агентлиги қарор ва буйруқлари, кўрсатмалари ҳамда топшириқлари билан юкланган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

давлат сири ва махфий ахборотни ташкил қиладиган маълумотлар билан ишлашда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида ишларни ташкил қилади;

қонунчилик ҳужжатлари ва Статистика агентлиги директорининг қарор ва буйруқларига мувофиқ бошқа функционал мажбуриятларни бажаради.

### **6-боб. Статистика агентлиги раҳбарларининг жавобгарлиги**

18. Статистика агентлиги директори:

Статистика агентлигига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомда белгиланган Статистика агентлигининг жавобгарлик соҳалари ҳамда ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши бўйича шахсан жавоб беради.

19. Статистика агентлиги директори ўринбосарлари:

Статистика агентлигининг ўзлари назорат қиладиган таркибий бўлинмаларида Статистика агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомда белгиланган Статистика агентлиги мутасаддилик қиладиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари ҳамда ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши бўйича шахсан жавоб беради.

### **7-боб. Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш**

#### **1-§. Статистика агентлиги раҳбарияти**

20. Статистика агентлигига Статистика агентлиги директори раҳбарлик қилади.

21. Статистика агентлиги директорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга эга.

Статистика агентлиги директори иш фаолиятида вақтинча бўлмаганда унинг ваколатлари вазифалар тақсимотида мувофиқ директор ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

22. Статистика агентлиги директори ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шароитлари бўйича тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Статистика агентлиги директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти бериладиган мансабдор шахслар рўйхатига киритилади.

23. Статистика агентлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбар ва ходимлари Статистика агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

24. Худудий статистика бошқармалари бошлиқлари ва ўринбосарлари, Институт директори ва ўринбосарлари Статистика агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

25. Туман (шаҳар) статистика бўлимлари бошлиқлари Статистика агентлиги билан келишилган ҳолда худудий статистика бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

26. Худудий статистика бошқармалари ва туман (шаҳар) статистика бўлимларининг ходимлари — худудий статистика бошқармалари бошлиқлари томонидан, Институт ходимлари — Институт директори томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади.

## **2-§. Статистика агентлиги ҳайъати, бошқа кенгаш, маслаҳат ва эксперт органлари**

27. Статистика агентлигида Статистика агентлиги директори (ҳайъат раиси), унинг ўринбосарлари (лавозимига кўра), шунингдек, Статистика агентлиги фаолиятининг асосий йўналишларини мувофиқлаштирувчи таркибий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларидан иборат таркибда ҳайъат тузилади.

Ҳайъат аъзолари сони ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилади.

28. Ҳайъатга қуйидаги вазифалар юкланади:

Статистика агентлиги фаолиятининг ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Статистика агентлиги тизими ходимлари ва раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўрган ҳолда таркибий ва худудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилишини ташкил этиш;

Статистика агентлигининг таркибий ва худудий бўлинмалари томонидан статистика дастурларининг бажарилиши натижадорлигини ҳар чоракда ва мунтазам кўриб чиқиш;

Статистика агентлиги фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама қилинишини таъминлаган ҳолда ҳайъатнинг кенгайтирилган, шу жумладан жойларда сайёр мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, шунингдек, юзга келган муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари билан белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун статистика органлари раҳбарлари ва ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда шахсий жавобгарлигини ошириш.

Ҳайъат Статистика агентлиги ваколатига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.

29. Ҳайъат мажлисига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклиф этилиши мумкин.

30. Ҳайъат, агар унинг мажлисида ҳайъат таркибининг ярмидан кўпи қатнашса, ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

31. Ҳайъат қарорлари ҳайъат раиси томонидан имзоланади ва Статистика агентлиги директорининг буйруғи (қарори) билан амалга оширилади.

32. Статистика агентлиги директори ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, Статистика агентлиги директори юзага келган келишмовчиликлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ўз фикрини маълум қилиши мумкин.

33. Ҳайъат фаолиятининг тартиби ҳайъат томонидан тасдиқланадиган регламент билан белгиланади.

34. Статистика агентлиги ҳузурида расмий статистикани ривожлантириш, фаолият юритиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек статистика бўйича миллий экспертлардан таркиб топган коллегиал маслаҳат органи ҳисобланувчи Статистика кенгаши фаолият юритади.

Статистика кенгаши фаолиятининг ташкилий-техник таъминоти Статистика агентлиги томонидан амалга оширилади.

Статистика кенгаши фаолиятининг тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжати билан тасдиқланадиган низом билан белгиланади.

35. Статистика агентлиги ҳузурида ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланадиган Жамоатчилик кенгаши фаолият юритади.

Жамоатчилик кенгаши таркибига статистика соҳасида намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари жалб этилади.

Жамоатчилик кенгашининг шахсий таркиби, шунингдек, унинг низоми Статистика агентлиги директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

36. Қуйидагилар Жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоатчилик манфаатларининг ҳисобга олиниши, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, Статистика агентлиги зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш бўйича Статистика агентлиги ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

мамлакатда миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини инобатга олган ҳолда статистика дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва келишиш;

Статистика агентлиги фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Статистика агентлиги фаолиятини ҳамда фойдаланувчиларнинг расмий



статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

статистика маълумотларининг шаффофлиги, ошкоралиги ва қулайлигини янада оширишни таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Статистика агентлиги томонидан долзарб, сифатли ва ишончли статистиканинг шакллантирилишига кўмаклашиш;

мавжуд статистика маълумотлари ҳақида жамоатчиликни хабардорлигини ҳамда уларнинг статистика маълумотларига бўлган ишончини ошириш учун фойдаланувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатиш.

37. Статистика агентлигида расмий статистика соҳасидаги ташкилий ва услубийга оид ишларни амалга ошириш мақсадида бошқа кенгаш, маслаҳатлашув, ишчи гуруҳлар, ҳайъат ва эксперт органлари тузилиши мумкин.

Уларнинг таркиби ва улар тўғрисидаги низомлар Статистика агентлиги директори томонидан тасдиқланади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан тасдиқланадиган ҳолатлар бундан мустасно.

### **8-боб. Статистика агентлиги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва иш индикаторлари**

38. Қўйидагилар:

Статистика агентлиги директори, директорнинг ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан белгиланадиган фаолият самарадорлигини баҳолашнинг интеграциялашган кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

Статистика агентлиги марказий аппарат таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари ва ходимларининг фаолияти самарадорлиги — Статистика агентлиги директори томонидан тасдиқланадиган фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

### **9-боб. Статистика агентлиги фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш**

39. Статистика агентлигининг мол-мулкани асосий воситалар ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати унинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил этади.

40. Статистика агентлигини молиялаштириш ва унинг моддий-техника таъминоти статистика дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Статистика агентлиги бюджет маблағлари олувчиси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига зарур молиялаштириш ҳажмини белгилашда бюджет қонунчилигига амал қилади.

Статистика дастурида белгиланган ва амалга оширилган статистика ишлари учун ҳақ тўлаш статистика ишларини бажаришга шартнома ва Статистика агентлиги томонидан ҳар ойда тақдим этиладиган бажарилган ишлар



далолатномалари асосида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига таъминланади.

Статистика дастурига киритилмаган ва уларни ишлаб чиқишга қўшимча харажатлар талаб қилинадиган қўшимча статистика ишларига ҳақ тўлаш буюртмачилар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

Статистика агентлиги томонидан олинган фойда, амортизация ажратмалари, шунингдек, бошқа тушумлар унинг ихтиёрида қолади ҳамда улардан статистика органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш, ходимларнинг касб маҳоратини, ўз лавозим вазифаларини сифатли бажарганлигини, ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда фойдаланилади.

41. Статистика агентлиги Статистика дастурини бажариш доирасида ажратилган маблағларнинг ва ўз ишларининг бошқа натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширади, статистика ҳисоботини юритади.

### **10-боб. Статистика агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдорлиги**

42. Статистика агентлиги раҳбарлари ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобот беради.

43. Статистика агентлиги расмий веб-сайтида ҳар чорак яқунларига кўра тегишли ҳисобот даврида республикада расмий статистикани ривожлантириш ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумотларни эълон қилиб боради.

### **11-боб. Яқунловчи қоида**

44. Статистика агентлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 мартдаги  
ПҚ-114-сон қарорига  
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Статистика агентлигининг Статистика кенгаши тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Статистика кенгаши расмий статистикани ривожлантириш, фаолият юритиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича коллегиял маслаҳат органидир.

2. Статистика кенгашининг таркиби давлат бошқаруви органлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, шунингдек статистика бўйича миллий экспертлар орасидан шакллантирилади.

**2-боб. Статистика кенгашининг вазифалари**

3. Статистика кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: расмий статистика соҳасидаги амалдаги қонунчилик ижросини таъминлаш ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, миллий статистика тизимини самарали ташкил этишда қўмаклашиш;

мамлакат миллий статистика тизимида умумий тушунчалар, таърифлар ва таснифлар изчил қўллаб борилишини таъминлаш;

давлат статистика органлари, статистика маълумотларини юритиш ваколатига эга бўлган давлат ташкилотлари ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг расмий статистика соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий статистика тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, инновацион ёндашув ва технологияларни жорий қилиш, статистика услубиётларини такомиллаштириш ва статистика фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар бериш;

расмий статистиканинг энг муҳим тамойилларига, биринчи навбатда, статистика маълумотларининг ишончилиги, холислиги, тушунарлилиги ва шаффофлигига риоя этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, статистик ҳисоботларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашувни истисно этувчи статистика ишларини ташкил этиш тизимини яратишда қўмаклашиш;

статистика маълумотлари сифатини ошириш, хусусан, миллий ҳисоблар тизими кўрсаткичларини ва уларни ҳисоблаш услубиётини халқаро ташкилотлар тавсияларига мувофиқ такомиллаштиришда иштирок этиш;

расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқариш жараёнларининг миллий моделини ва GSBPM халқаро стандарт моделига мувофиқ, сифатни бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишни мувофиқлаштириш;

статистик маълумотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш орқали статистика фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи рейтингини оширишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

халқаро статистика ташкилотларининг электрон маълумотлар базалари ва махсус нашрларида Ўзбекистон Республикаси тўғрисидаги статистик маълумотларни жойлаштиришга қаратилган халқаро ҳамкорлик ва ахборот ал-машинувини ривожлантиришга кўмаклашиш;

давлат статистика органлари, шунингдек, маъмурий маълумотларни юри-тиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолиятининг натижаларини ҳар йили кўриб чиқиш, статистика кузатувларининг респондентларга бўлган юқини камайтириш, уларни унификация қилиш, содалаштириш ва опти-маллаштириш мақсадида статистика ҳисоботлари ва кузатув шаклларини, шунингдек, услубиётлар ва таснифларнинг қайта кўриб чиқилишини таъ-минлаш;

мамлакатда миллий иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларини ҳисобга олишда ишончлилик ва тўлиқликни таъминлашни инobatга олган ҳолда бир йиллик Статистика дастурини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

статистик тўпламлар ва бюллетенлар нашрини ташкил этиш, уларни ом-мавий ахборот воситаларида кенг ёритиш орқали статистика маълумотлари-нинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш.

### **3-боб. Статистика кенгашининг функциялари**

4. Статистика кенгаши асосий вазифаларидан келиб чиқиб қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Хукумат, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига статистика сиёса-тининг барча жиҳатлари бўйича маслаҳат бериш;

миллий статистика тизими фаолиятининг ишончлилик, холислик, беға-разлик, тушунарлилик ва шаффофлик каби асосий тамойилларини амалга оширишда кўмаклашиш;

статистик маълумотларни йиғиш, уларга ишлов бериш ва умумлашти-риш тартибига ҳар қандай аралашувни истисно қилишни таъминлаш;

кўп йиллик ва бир йиллик статистика дастурларини кўриб чиқиш, бир йиллик статистика дастурини тасдиқлаш ҳамда уни амалга ошириш масала-ларини мониторинг қилиш ва ҳал қилишда кўмаклашиш;

статистика услубиётларини такомиллаштириш ва маълумотларни шакл-лантиришда фойдаланувчилар эҳтиёжларини ҳисобга олиш масалаларини кўриб чиқиш;

статистик ва иқтисодий таҳлилнинг замонавий услубларини, халқаро стандартларга мос ва бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб берадиган кўрсаткичлар тизимини амалиётга жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш;

давлат статистика органлари фаолиятига инновацион ёндашувлар ва за-монавий технологияларни самарали жорий этиш;

сифатни бошқаришнинг замонавий халқаро усулларини ҳисобга олган

ҳолда расмий статистика маълумотларини ишлаб чиқариш жараёнларининг миллий моделини ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмаклашиш;

Статистика агентлигига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга оширишда кўмаклашиш.

#### **4-боб. Статистика кенгашининг ваколатлари**

5. Статистика кенгаши юклатилган вазифаларини бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, идоралар, корхоналар ва ташкилотлардан расмий статистикани такомиллаштириш бўйича белгиланган тартибда маълумот сўраш ва олиш;

давлат идоралари вакилларининг ахборот йиғиш жараёнларини ташкил этиш масалалари, шунингдек, сўралаётган ахборотлар билан расмий статистика ва (ёки) маъмурий маълумотларда мавжуд маълумотлар ўртасида такрорланиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумотларни ва ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда бошқа ташкилотлар вакилларининг ахборотларини эшитиш;

Статистика кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўз йиғилишларида мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча расмий статистикани тайёрловчилар ҳамда маъмурий маълумотларни етказиб берувчилар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

расмий статистиканинг айрим масалаларини кўриб чиқиш учун эксперт комиссияларини тайинлаш.

#### **5-боб. Статистика кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

6. Статистика кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

7. Статистика кенгаши аъзолари уларнинг касбий малакаси ва статистика соҳасидаги салоҳияти асосида тайинланади.

8. Статистика кенгашини Статистика кенгаши раиси бошқаради.

Раис бўлмаган тақдирда унинг вазифасини унинг ўринбосари ёки Статистика кенгаши аъзоларидан бири раиснинг фармойишига мувофиқ амалга оширади.

9. Статистика кенгаши мажлислари унинг аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми миқдорида кворум мавжуд бўлганда ваколатли ҳисобланади.

10. Статистика кенгашининг қарорлари мажлисда иштирок этаётган Статистика кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овоз берган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади.

11. Статистика кенгашининг қарорлари Статистика кенгаши раиси томонидан тасдиқланади.

Қарорларнинг ижросини назорат қилиш Статистика кенгаши котиби томонидан амалга оширилади.

Статистика кенгашининг фаолияти ва унинг қарорлари оммавий ахборот воситаларида ёритилади.

12. Статистика агентлигининг тегишли бўлинмаси Статистика кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 4 мартдаги  
ПҚ–114-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3165-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4796-сон қарорига 3 ва 4-иловалар ҳамда 6-илованинг 1 ва 3-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**86** Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида\*

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг экспортини ошириш, қишлоқ хўжалиги кичик ишлаб чиқарувчиларини янада қўллаб-қувватлаш, экин ерларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, пировард натижада ер эгаларининг даромадларини кўпайтириш мақсадида:

## 1. Белгилансинки:

ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб ҳамда сув таъминотини инобатга олган ҳолда, туманлар экспортбоп ва сердаромад экинлар экишга, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилади;

2024 йилда экспортбоп ва сердаромад экинлар экиш ва аҳолининг мазкур соҳада билим ва кўникмаларини ошириш учун 54 та туманда намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этилади;

2024 йилда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 51 та туманда мева-сабзавотларни шок усулида музлатишни йўлга қўйиш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилади;

Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида ишлаб чиқаришга оид лойиҳалар билан бир қаторда маҳсулот етиштириш билан боғлиқ лойиҳаларга, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бундан мустасно, 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади;

музлаткичли омборхона, тайёр ҳолда иссиқхона, қадоқлаш, қуритиш ва қайта ишлаш цехлари аҳолига 12 ойга бўлиб тўлаш шarti билан лизингга берилади;

ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатига хонадонларда биогулум тайёрлаш фаолияти киритилади.

2. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) (А. Хаитов) ҳамда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (М. Убайдуллаев) 2024 йилда 1-иловага\*\* мувофиқ рўйхатга асосан туманларни экспортбоп ва сердаромад экинлар экишга, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш чораларини кўрсин.

3. Савдо-саноат палатаси (Д. Ваҳобов) 2024 йилда 2-иловага\*\* мувофиқ рўйхатга асосан 43 та туманни экспортбоп экинлар етиштиришга ихтисослаштириш, мазкур туманларга 10 тадан экспортёрларни бириктириш чораларини кўрсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 7 мартда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Кенгаш (А. Хаитов) Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (М. Убайдуллаев) билан биргаликда 2024 йилда экспортбоп ва сердаромад экинлар экиш учун намунавий ўқув-тажриба майдонларини Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан ташкил этсин ва мазкур намунавий майдонларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг, томорқа ер эгаларининг билим ва кўникмаларини ошириш чораларини кўрсин. Бунда, намунавий ўқув-тажриба майдонларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан ташкил этиш ва молиялаштириш тартиби Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон қарорига мувофиқ Жамғарма томонидан аҳолининг, деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва аъзоларининг ҳамда «Томорқа хизмати» МЧЖлар ва ишлаб чиқариш кооперативлари ходимларининг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун субсидиялар ажратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Қосимов), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Н. Абдуллаев) 2024 йил якунига қадар мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 51 та туманда мева-сабзавотларни шок усулида музлатишни йўлга қўйиш бўйича янги лойиҳаларни амалга оширсин.

6. «Микрокредитбанк» АТБ (О. Бўтаев), «Агробанк» АТБ (Р. Маматкулов) лизинг компаниялари орқали ҳамда Жамғарма музлаткичли омборхона, тайёр ҳолда иссиқхона, қадоклаш, қуритиш ва қайта ишлаш цехларини аҳолига 12 ойга бўлиб тўлаш шarti билан лизингга бериш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3680-сон қарорига мувофиқ Жамғармага фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қишлоқ хўжалиги техникаси, технологиялари ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича лизинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 7. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2024 йилда аҳоли томорқа ер участкаларида баҳорги (эртаги), такрорий (ўртанги) ва тўксонбости усулида экинлар экиш, жумладан 252 минг гектар майдонга уч марта ҳосил олишни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш прогноз кўрсаткичлари 3-иловага\* мувофиқ;

аҳолига комплекс хизмат кўрсатишга ихтисослашиб, фаолияти кластер

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

усулида ташкил этиладиган «Томорқа хизмати» МЧЖлар рўйхати 4-иловага\* мувофик;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида ташкил этиладиган ва аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатувчи «Томорқа хизмати» корхоналарини молиялаштириш прогноз кўрсаткичлари 5-иловага\* мувофик;

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 2024 йилда фермер ва деҳқон хўжаликларига, томорқа ер эгаларига боғ-қатор ораларига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва томорқа инфратузилмасини ривожлантириш учун маблағ ажратиш прогнозлари 6-иловага\* мувофик;

экспортбоп ва сердаромад экинлар экиш учун 54 та туманда намунавий ўқув-тажриба майдонлари ташкил этиш кўрсаткичлари 7-иловага\* мувофик тасдиқлансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари — туман секторлари кесимида, туман ҳокимлари — маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотини инобатга олган ҳолда, «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида томорқа ер участкаларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштириш прогноз кўрсаткичларини ўн беш кун муддатда тасдиқласин ва ижросини ташкил этсин.

9. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (М. Убайдуллаев) Кенгаш (А. Хаитов) билан биргаликда «Online-mahalla» электрон платформасида алоҳида яратилган «Аҳоли томорқаси» модулига ҳоким ёрдамчилари, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакиллари томонидан маҳаллаларда уйма-уй юриш орқали томорқа ер эгалари томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хонадонда мавжуд иссиқхоналар ҳамда томорқадан самарали фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни ҳар олти ойда (апрель, октябрь ойларида) кириштиб борсин.

10. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Кенгаш, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда деҳқон хўжалиги учун ажратилган ер майдонларида ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган ва экспортбоп экинлар, жумладан сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экишга алоҳида эътибор қаратиш, тайёрлов, қайта ишлаш ва экспорт қилувчи корхоналарни жалб қилган ҳолда етиштирилган тайёр маҳсулотни харид қилиш, уни қайта ишлаш, сақлаш, ички ва ташқи бозорларга йўналтириш чораларини кўрсин.

11. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ Жамғарма ресурслари ҳисобидан ажратиладиган кредитлар йиллик Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада (шундан 4 фоизи банк маржаси):

чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик, қуёнчилик, асаларичи-

\* 4 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



лик, куркачилик ва паррандачилик, биогурус ишлаб чиқариш ва «дала дўконлари»ни куриш учун — 1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йил муддатга;

боғдорчилик (кўчатчилик), узумчилик (ток сўриси) ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона куриш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарини харид қилиш ҳамда уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар куриш, кўчма музлаткичларни ўрнатиш, артезиан қудуқларини қазилш учун — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга берилади.

12. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, Кенгашнинг бу соҳадаги ваколатларини кенгайтириш ва фаол иштирокини таъминлаш мақсадида Кенгашга фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда Кенгаш ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли лойиҳаларни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими орқали Вазирлар Маҳкамасига киритиш, кўриб чиқиш ва ахборот бериш ҳуқуқи берилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Кенгашнинг:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–39-сон қарори 2-банди учинчи хатбошисида белгиланган деҳқон хўжаликларига кредит ажратиш тартибини «Томорқа хизмати» ЯТТларга ҳам татбиқ этиш;

«Томорқа хизмати» ЯТТлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида минитехникалар ва асбоб-ускуналарни лизинг шартлари асосида етказиб беришда лизинг тўловларининг бошланғич тўловларини лойиҳа қийматининг 40 фоизи миқдоридида белгилаш;

2027 йил 1 январга қадар мотокультиваторлар (ТИФ ТН коди — 8432 29 100 0), бир ўқли тракторлар (ТИФ ТН коди — 8701 10000 0) ва минитракторларни (ТИФ ТН коди — 8701 91 100 0 — 8701 94 100) олиб киришда божхона божининг ноль ставкаларини белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

14. Кенгаш:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда маҳаллаларда аҳоли томорқаларида очиқ ва ёпиқ усулда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасида аҳолининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган семинарлар ва тақдимотлар ўтказилишини;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур семинарларнинг «Ўзбекистон 24» ва «Маҳалла» телеканалларида ёритиб борилишини тизимли ташкил этсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 март,  
ПҚ-115-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 5 мартдаги  
ПҚ-115-сонли қарорига  
8-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон қарорида:

а) 5-банднинг учинчи хатбошисида «кўрсатмалар» сўзи «тавсиялар» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 9-банд «б» кичик бандининг олтинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, шунингдек, «Томорқа хизмати» МЧЖлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига қонунчиликда белгиланган тартибда мева-сабзавотларни қайта ишлаш (қуритиш) корхоналари, совутиш омборхоналари, чорвачилик комплекслари, ишлаб чиқариш бино-иншоотлари, иссиқхона мажмуалари қуриб бериш, интенсив боғлар ва тоқзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалигида занжирли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яқуний маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, жумладан, омухта ем тайёрлаш, сутни қайта ишлаш, тоmat паста ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар тайёрлаш, ўсимликларга кимёвий ишлов бериш, қадоқлаш ва саралаш ускуналари билан таъминлаш бўйича лизинг фаолиятини амалга ошириш»;

в) 13-банднинг учинчи хатбошисидаги «Томорқа хизмати» МЧЖлар давлат рўйхатидан ўтиб, Кенгаш томонидан юритиладиган «Томорқа хизмати» МЧЖлар реестрига киритилган» сўзлари «Томорқа хизмати» тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Фермер хўжалиқларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизмат-

лари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3824-сон қарорида:

а) 1-иловадаги «Солиқ ва статистика ҳисоботлари бўйича маслаҳатчи» блоки «Солиқ, статистика ҳисоботлари ва юридик масалалар бўйича маслаҳатчи» блоки билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 3-позициясидаги «Солиқ ва статистика ҳисоботлари бўйича маслаҳатчи» сўзлари «Солиқ, статистика ҳисоботлари ва юридик масалалар бўйича маслаҳатчи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги «Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 205-сон қарорида:

а) Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишчи гуруҳ таркибига туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари, туман (шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими, туман (шаҳар) ирригация бўлими, туман (шаҳар) касаба уюшмаси бўлими, туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими, туман (шаҳар) солиқ инспекцияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари киритилади»;

б) 2-илова\* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 июндаги «Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 433-сон қарорида:

а) 1-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарманинг ижро этувчи аппарати, жумладан марказий аппарати ва ҳудудий вакиллари штат бирликлари сони Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади. Бунда, Жамғарма иш ҳажмидан келиб чиқиб, Васийлик кенгашига Жамғармага қўшимча штат бирликлари жалб этиш, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисига зарурат бўлганда Жамғарманинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

тўққизинчи хатбошидаги «ўринбосарларига тенглаштирилади» сўзлари «ўринбосарлари ҳисобланади» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошиси «жойлаштирилсин» сўзларидан кейин «хамда мазкур манзилда ажратилган ҳудуд ва хоналарни Жамғарма маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ваколоти берилсин» сўзлари билан тўлдирилсин;

в) 2-илованинг матни\* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

г) Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кен-

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гаши хузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

7-банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Васийлик кенгаши мажлис баёнлари сўров ўтказиш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин»;

17-банднинг йигирма учинчи хатбошисидаги «йигирманчи хатбошида келтирилган объект ва ускуналар» сўзлари «йигирма иккинчи хатбошида келтирилган бино-иншоотлар, объект ва ускуналар» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Жамғарманинг тижорат банкларига ресурс ажратиш ва маблағларини депозитга қўйишдан олинган, шунингдек Жамғарманинг бўш турган маблағларига тижорат банки томонидан тўланган фоиз кўринишидаги даромадлари Жамғарманинг ўз маблағлари бўлиб, консолидациялашган бюджет маблағлари ёки бюджет тизими бюджетлари маблағлари ҳисобланмайди.

Жамғарманинг Васийлик кенгаши қарорига асосан «Томорқа хизмати» МЧЖларга 300 миллион сўмгача ажратилган гаровсиз кредит учун Жамғарманинг тижорат банклари томонидан гаровга (депозит) олинган маблағларининг акцептсиз ундирилган ҳамда тижорат банкларига қўйилган депозит маблағларининг қайтмаган қисми мазкур банднинг биринчи хатбошисида келтирилган манбалар ҳисобидан яратилган захира маблағлари ҳисобидан қопланади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 52-сон қарориди:

а) 1-банддаги «Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» сўзлари билан, «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда агентликлар деб аталади)» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

«а» кичик банддаги «агентликлар» сўзи «Агентлик» сўзи билан алмаштирилсин;

«в» кичик бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

«г» кичик бандда «бир йиллик» сўзлари «уч йилгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) тижорат банклари интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш ҳамда иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун ташаббускорларга — 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга кредит ажратиши мумкин»;

в) Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-бандда:

иккинчи хатбоши «лизинг» сўзидан кейин «(кредит)» сўзи билан тўлдирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лизинг (кредит) олувчи — лизинг (кредит) шартномаси бўйича лизинг (кредит) объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олаётган жисмоний ёки юридик шахс;

лизинг (кредит) тўловлари — лизинг (кредит) олувчи томонидан лизинг (кредит) берувчига лизинг (кредит) объекти қийматини қоплаш учун тўланадиган тўловлар, фоиз (устама) тўловлари, шунингдек, лизинг (кредит) объектини барпо этиш, қуриш, сотиб олиш, етказиб бериш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни қоплаш учун тўланган тўловлар йиғиндиси»;

бешинчи хатбошида «қишлоқ хўжалиги ташкилоти» сўзлари «хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги» сўзлари билан, «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ёки Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда:

учинчи хатбошида «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — еттинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

7-банднинг учинчи хатбошисида «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигига» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Мазкур рўйхатга киритилган ташаббускорлар лизинг (кредит) объектини харид қилишдан бош тортган тақдирда, тегишли ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра алмаштирилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Туман ҳокимлиги томонидан якуний рўйхат тақдим этилмаган тақдирда, ушбу Низомга 2-иловада келтирилган жадвалга мувофиқ якуний рўйхат сотувчи томонидан тегишли ҳоким ёрдамчилари тавсия этган рўйхат асосида шакллантирилади.

Ҳоким ёрдамчиси томонидан ташаббускорлар тавсия этилмаган тақдирда, сотувчи томонидан якуний рўйхат мустақил равишда шакллантирилади ва ушбу рўйхат ахборот тариқасида туман ҳокимлигига тақдим этилади.

Якуний рўйхатга маҳаллий аҳоли билан кооперация асосида ишни ташкил этиш истагида бўлган бир ёки бир нечта хўжалик субъектлари ҳам киритилиши мумкин»;

13-бандда «олувчи билан» сўзларидан сўнг «лизинг объектини тўғридан-тўғри сотиш бўйича» сўзлари билан тўлдирилсин;

14-бандда:

иккинчи хатбошида «Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари «Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан лизинг объектини лизингга сотиш тартиби Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади»;

17-бандда «бир йиллик» сўзлари «уч йилгача» ўзлари билан алмаштирилсин;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. Интенсив боғ, токзорлар ёки иссиқхоналар мазкур Низомнинг 2-илоvasи билан тасдиқланган якуний рўйхатга киритилган ташаббускорларга кредит шартлари асосида тўғридан-тўғри сотилиши (берилиши) мумкин»;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Тижорат банклари интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш ҳамда иссиқхона қуриш лойиҳаларини молиялаштириш учун 3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга ташаббускорларга кредит ажратиши мумкин.

Кредитлар рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади»;

қуйидаги мазмундаги 26<sup>1</sup> — 26<sup>6</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«26<sup>1</sup>. Ташаббускорга кредит расмийлаштириб берилгандан ва кредит объекти суммаси тижорат банки томонидан сотувчига ўтказиб берилгандан сўнг сотувчининг розилик хати асосида кредит объектига бўлган мулк ҳуқуқи ва эгаллаб турган ер участкасига бўлган ҳуқуқ тижорат банки номига давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

26<sup>2</sup>. Давлат хизматлари маркази орқали ҳудудий туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри филиали кредит объекти эгаллаган ер майдонини ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган муддат ва шартлар асосида тижорат банки номига белгиланган тартибда расмийлаштириб беради.

26<sup>3</sup>. Кредит объекти қиймати тўлангандан сўнг сотувчи тижорат банки вакили иштирокида ўн кун муддатда кредит объектини ташаббускорга қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида топширади.

Кредит тўловлари кредит шартномасининг бутун амал қилиш муддатида бўлиб-бўлиб тўланади. Кредит тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги кредит шартномаси билан белгиланади.

26<sup>4</sup>. Кредит объектига бўлган мулк ҳуқуқи ташаббускор томонидан кредит объекти қиймати тўлиқ тўлангунга қадар тижорат банкига тегишли бўлади.

26<sup>5</sup>. Тижорат банки кредит шартномаси муддати давомида кредит объектидан мақсадли фойдаланилишини ва кредит тўловлари ўз вақтида тўлаб борилишини назорат қилади.

26<sup>6</sup>. Кредит объектидан мақсадсиз фойдаланилганда ёки кредит тўловлари кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилмаганда кредит шартномаси бекор қилиниши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги 3-параграф билан тўлдирилсин:

### **«3-§. Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхоналарни электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотиш**

26<sup>7</sup>. Сотувчи томонидан интенсив боғ, токзор барпо этилиб ёки иссиқхона қуриб битказилгандан сўнг туман ҳокимлиги томонидан 6 ой муддатда уларни харид қиладиган ташаббускорларнинг якуний рўйхати тақдим этилмаган тақдирда, сотувчи интенсив боғ, токзор ёки иссиқхонани лотларга бўлган ҳолда «E-auction» электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн аукцион савдоларига қўйиши мумкин.

26<sup>8</sup>. Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхоналарни лотларга бўлган ҳолда «E-auction» электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн аукцион савдоларида сотиш ва шартномани расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламентида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

26<sup>9</sup>. Сотувчи ва аукцион ғолиби ўртасидаги Интенсив боғ, токзор ёки иссиқхоналарнинг олди-сотди шартномасида тўловларни тўлаш шартлари ва муддатлари кўрсатилади.



Электрон онлайн аукцион савдолари қолиби тўловларни тўлаш учун «Хар бир оила — тадбиркор» дастури ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжалик-лари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали кредит олиши мумкин.

26<sup>10</sup>. Электрон онлайн аукцион савдолари қолиби томонидан интенсив боғ, тоқзорлар ва иссиқхона қиймати тўлиқ тўлангандан сўнг объект сотувчи томонидан қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида ўтказиб берилади»;

30-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Кредит олувчи кредит эвазига сотилган интенсив боғ, тоқзор ва иссиқхоналарнинг барча тўловлари тўлиқ тўлаб бўлингандан сўнг беш кун муддатда кредит объектининг мулк ҳуқуқини кредит олувчига ўтказиш тўғрисида далолатнома расмийлаштиради, кредит объектининг мулк ҳуқуқини ва эгаллаган ер майдонини кредит олувчи номига расмийлаштириш тўғрисида туман ҳокимлигига ёзма равишда муурожаат қилади»;

32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Туман ҳокимлиги ўн кун муддатда ташаббускорларни (лизинг ёки кредит олувчини) деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказилишини ва унга интенсив боғ, тоқзорлар ёки иссиқхонага бўлган мулк ҳуқуқини ва улар эгаллаган ер участкасига ижара ҳуқуқини бериш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларига тегишли қарор қабул қилинишини сўраб муурожаат қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари беш кун муддатда туман ҳокимлиги томонидан деҳқон хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтказилган ташаббускорлар (лизинг ёки кредит олувчи) га интенсив боғ, тоқзорлар ёки иссиқхонага бўлган мулк ҳуқуқини ва улар эгаллаган ер участкасига ижара ҳуқуқини бериш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинишини таъминлайди»;

33-бандда «Вилоят ҳокимининг» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги «Деҳқон хўжалик-лари ва аҳоли томорқалари ер участкаларидан янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сон қарорида:

а) 1-банднинг тўққизинчи хатбошидаги «масъулияти чекланган жамиятларининг» сўзлари «тадбиркорлик субъектларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «МЧЖларга» сўзи «тадбиркорлик субъектларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «МЧЖлар» сўзи «тадбиркорлик субъектлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) «Томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамиятларининг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомда:



номланишидаги «масъулияти чекланган жамиятларининг» сўзлари «тадбиркорлик субъектларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ушбу низомда «Томорқа хизмати» МЧЖларга қўлланиладиган барча қоидалар якка тартибдаги тадбиркор сифатида ташкил этиладиган «Томорқа хизмати» ЯТТларга нисбатан ҳам қўлланилади»;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. «Томорқа хизмати» МЧЖлари — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, кўчатлар, таралар, техника, чорва моллари, парранда, қуён, асалари уяси, балиқ, қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлари, омухта ем, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий воситалар ва асбоб-ускуналар етказиб бериш, шунингдек, иссиқхоналар қуриб бериш, ерларни рекультивация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, суғориш тизимини яратиш ва яхшилаш, сув насослари ўрнатиш, артезиан қудуқлар қазиш ва томчилатиб суғоришни ташкил этиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларидан харид қилинган, шунингдек, ўз майдонларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қуриштириш, қадоқлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида ташкил этиладиган «Томорқа хизмати» ЯТТлар — фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига шартнома асосида зарур моддий ресурслар, шу жумладан, уруғлар, кўчатлар, таралар, техника, чорва моллари, парранда, қуён, асалари уяси, балиқ, қишлоқ хўжалик техникалари ҳамда эҳтиёт қисмлари, омухта ем, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун кимёвий воситалар ва асбоб ускуналар етказиб бериш, шунингдек, иссиқхоналар қуриб бериш, ерларни рекультивация қилиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъект;

«Томорқа хизмати» тадбиркорлик субъектлари реестри (кейинги ўринларда — Реестр) — «Томорқа хизмати» тадбиркорлик субъектларининг (ЯТТ, МЧЖ) тизимлаштирилган рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлардан иборат ягона маълумотлар базаси»;

29-бандда «бир йил» сўзлари «икки йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Низомга 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Томорқа хизмати» масъулияти чекланган  
жамиятларининг реестрини шакллантириш ва  
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Реестрга киритиш учун «Томорқа хизмати» тадбиркорлик  
субъектларига қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

Т/р	Кўрсаткичлар	Талаб
1.	Мотокультиватор (мотоблок)	2 дона
2.	Трактор ёки мини трактор*	1 дона
3.	Юк сақлаш омборхонаси (усти ёпиқ бостирма ёки кўчма музлаткич)*	50 тонна
4.	Дори пуркагичли ускуна	4 дона
5.	Хонадонга хизмат кўрсатиш учун шартномалар	хар йили 500 хонадонга

\* *Бино ва иншоотлар, минитрактор ижара муносабатлари асосида фойдаланилиши мумкин».*

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 февралдаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 10<sup>1</sup> ва 10<sup>3</sup>-бандлардаги «Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари «Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20<sup>1</sup>-бандда:

биринчи хатбошидаги «тегишли равишда туман (шаҳар) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига (кейинги ўринларда — туман кенгаши) қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади» сўзлари «Агросубсидия» ахборот тизимига қўйидаги ҳужжатларни киритади» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «банк реквизитлари» сўзларидан кейин «пудратчи ташкилот томонидан олинadиган Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш учун рухсатнома, қазилган қудуққа тайёрланган ва Гидрогеология станцияларида рўйхатга қўйилган техник паспорт, қудуқдан фойдаланиш учун истеъмолчи томонидан олинadиган Ер ости сувларидан махсус фойдаланиш учун рухсатнома, талабгор ва бурғиловчи ташкилот ўртасида қазилган қудуқни 1 йил давомида кузатиб ва тузатиб бориш шартномаси ҳамда туман комиссияси ва талабгор ўртасида талабгор томонидан қудуқдан камида 2 йил давомида самарали фойдаланиш бўйича келишув шартномаси» сўзлари билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«мазкур банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида келтирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, вертикал суғориш қудуқларини қазिश ва фойдаланишга топшириш жараёнида барча зарур ҳужжатларни, жумладан ер ости сувларидан фойдаланишга оид рухсат этувчи ҳужжатлар, лойиҳа-смета ҳужжатларининг тўғри тузилганлиги ва шакллантирилганлиги, шунингдек, ушбу жараёнида бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг амалдаги қонунчилик талаблари асосида амалга оширилганлиги юзасидан талабгор ва у билан шартнома муносабатлари асосида фаолият кўрсатган юридик шахслар масъул ҳисобланади»;

в) 20<sup>3</sup> — 20<sup>6</sup>-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20<sup>3</sup>. Туман кенгашлари талабгорлар томонидан тўлиқ тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг, туман (шаҳар) комиссияси уч иш куни муддатда вертикал суғориш қудуқларини барча ҳужжатларни тўғри ва ҳаққоний тузилганлигини, артезиан қудуқдан самарали фойдаланиши ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўрганади ва ижобий қарор қабул қилинган тақдирда «Агросубсидия» ахборот тизими орқали мазкур Низомнинг 4-ило-васида келтирилган таркибдаги Сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш ишларини фойдаланишга қабул қилиш ҳудудий ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ҳудудий ишчи гуруҳи) муҳокамасига киритади.

20<sup>4</sup>. Ҳудудий ишчи гуруҳи аъзолари:

уч иш кунида фойдаланишга топширилган вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш жараёнида расмийлаштирилиши лозим бўлган барча ҳужжатларни тўғри ва ҳаққоний тузилганлигини, бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғри амалга оширилганлигини, артезиан қудуқдан самарали фойдаланилиши ҳолатини ўрганади ва ушбу жараён амалдаги қонунчилик талаблари асосида амалга оширилишини таъминлайди;

ижобий қарор қабул қилинган тақдирда, талабгорларга ажратиладиган субсидия миқдори ва талабгорларнинг банк реквизитларини кўрсатган ҳолда буюртманомаларни шакллантиради ҳамда тасдиқлаган ҳолда «Агросубсидия» ахборот тизими орқали Кенгашга киритади.

Қазилган вертикал суғориш қудуқларининг ҳужжатлари (лойиҳа-смета) тўғри тайёрланганлиги ва тақдим этилган маълумотларнинг тўғри ва ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик Туман (шаҳар) комиссияси ва Ҳудудий ишчи гуруҳи аъзолари зиммасига юклатилади.

20<sup>5</sup>. Кенгаш Ҳудудий ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган буюртманомаларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига киритади.

Мазкур вазирликлар томонидан ижобий хулоса олингандан сўнг, талабгорларнинг харажатларини қоплаб бериш бўйича зарур ҳужжатлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтирилади.

20<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томони-

дан ҳисобот йили бошида сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга мўлжалланган субсидия учун белгиланган маблағлар Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Ғазначилик хизмати қўмитасидаги ҳисобварағида режалаштирилади»;

г) 20<sup>8</sup>-банддаги «уч иш қунида Кенгаш» сўзлари «Кенгаш» сўзи билан алмаштирилсин;

д) қуйидаги мазмундаги 20<sup>9</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«20<sup>9</sup>. Қабул қилиб олинган вертикал суғориш қудуқларидан доимий тарзда самарали фойдаланилиши учун маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари масъул ҳисобланади»;

е) 21-банддаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 22-банднинг иккинчи хатбошисидан «Кенгаш ҳамда унинг ҳудудий органлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

з) Низом қуйидаги мазмундаги 4-илова билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлардаги аҳоли \**  
**томорқалари ва деҳқон хўжаликларини суғориш учун вертикал**  
**суғориш қудуқларини бурғилаш, шунингдек, дарёлар, каналлар ва**  
**бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб**  
**олиш ва ўрнатиш ишларини фойдаланишга қабул қилиш**  
**ҳудудий ишчи гуруҳининг**  
**НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят Гидрогеология ҳудудий станциялари бошлиқлари;

Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири, вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи;

Қорақалпоғистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи;

Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири, вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси бошлиғи;

худудий электр тармоқлари корхоналари директорлари».

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги «Сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқалари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонларига сув чиқариш ишларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 459-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«аҳоли томорқа ерини суғориш учун чуқурлиги 10 метрдан, Қорақалпоғистон Республикаси учун 5 метрдан ортиқ бўлган кичик ҳажмдаги ҳар бир вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг биринчи метридан бошлаб 100 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан ошмаган миқдорда;

камида 30 та аҳоли томорқа ерларини суғориш учун катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув объектларидан сув чиқариш воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш билан боғлиқ харажатларнинг 100 фоизини, бироқ 150 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;

деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун 0,15 гектардан 2 гектаргача бўлган ўлчамларда 30 йилга ижарага берилган ва битта контурда ёки ёнма-ён иккита контурда жойлашган камида 10 та деҳқон хўжаликлари ерларини суғориш учун катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларнинг 100 фоизини, бироқ 150 миллион сўмдан ошмаган миқдорда»;

в) 3-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 январь ва 1 июлга қадар сув таъминоти оғир ҳудудлардаги аҳоли томорқаларида бурғиланадиган вертикал суғориш қудуқларининг манзилли дастурини шакллантиради ва тасдиқлайди»;

учинчи хатбошида «2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳамда 2022 йилдан» сўзлари «2021 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ҳамда 2026 йилдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банддаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сон қарори билан тасдиқланган Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкаларини ижарага беришнинг маъмурий регламенти 1-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 январдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисидаги низомга асосан оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари доирасида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш ҳисобига аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш мақсадида, ташаббускорларга деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратиш ва уларга ер ижара ҳуқуқларини расмийлаштиришга татбиқ этилмайди».

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги «Томорқа хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш тизимини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 81-сон қароридан:

а) 1-банд, 2-банднинг биринчи — тўртинчи хатбошилари, 3-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда 4-банддаги «томорқа ер эгалари билан» сўзлари «томорқа ер эгалари, фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулот етказиб берувчилари билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Молия» сўзи «Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) Томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектларига омбухоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуриштириш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмига субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

Низом номланишида, матнида ва иловаларида «томорқа ер эгалари билан» сўзлари «томорқа ер эгалари, фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулот етказиб берувчилари билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «харид қилиб» сўзлари «харид қилган ёки харид қилишни режалаштирган» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ишлатиладиган панеллар» сўзларидан кейин «, кичик ҳажмли кўчма музлаткичлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «юридик шахсларга (томорқа ер эгалари билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари)» сўзлари «тадбиркорлик субъектларига (томорқа ер эгалари, фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулот етказиб берувчилар билан кооперация асосида иш ташкил этган тадбиркорлик субъектлари (жисмоний шахслар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши «тадбиркорлик субъектлари» сўзларидан кейин «(жисмоний шахслар)» сўзлари билан тўлдирилсин;



олтинчи хатбошидан «автоматлаштирилган» сўзлари чиқариб ташлансин;  
5-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномага, жисмоний шахслар шахсини тасдиқловчи паспортга эга бўлган»;

тўртинчи хатбоши «эга бўлиши» сўзларидан кейин «(кичик ҳажмли кўчма музлаткичлардан ташқари)» сўзлари билан тўлдирилсин;

бешинчи хатбошидаги «кейин харид қилинган» сўзлари «кўпи билан бир йил олдин харид қилинган ёки харид қилишни режалаштирган» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Томорқа ер эгалари, фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулот етказиб берувчилар билан кооперация асосида иш ташкил этган ҳолда омборхоналарни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш, саралаш ва қадоқлаш ускуналарини харид қилишга сарфланган харажатларнинг бир қисмига субсидия олиш бўйича талабгорларнинг аризаларига асосан манзилли рўйхат ҳар йили 1 февраль ҳолатига бир марта шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифларига кўра Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилган ҳолда манзилли рўйхатга бир ойда бир марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин»;

7-банддаги «тадбиркорлик субъектларига» сўзлари «талабгорларга» сўзи билан алмаштирилсин;

8, 11-бандлардаги «1 апрелга» сўзлари «1 февралга» сўзлари билан, 15-банддаги «15 апрелга» сўзлари «15 февралга» сўзлари билан, 16, 19-бандлардаги «20 апрелга» сўзлари «20 февралга» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «хужжатларнинг ҳаққонийлигини, шунингдек, талабгорларнинг молиявий ҳолатини жойига чиққан ҳолда» сўзлари «хужжатларни» сўзи билан алмаштирилсин;

13-банддаги «манзилли рўйхат туман молия бўлимининг» сўзлари «манзилли рўйхат тумандаги тегишли ҳоким ёрдамчиси, туман иқтисодиёт ва молия бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «туман молия бўлимининг бошлиғи, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг раиси ҳамда туман» сўзлари «туман иқтисодиёт ва молия бўлимининг бошлиғи ҳамда тумандаги тегишли» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-бандда «20 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия» сўзлари «20 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банддан «Заруратга кўра, талабгорларнинг таклифларини жойига чиққан ҳолда ўрганади» сўзлари чиқариб ташлансин;

28-банд «белгиланган тартибда» сўзларидан кейин «(ЯИДХП ёки «Агро-субсидия» АТ орқали) тузилади» сўзлари билан тўлдирилсин;



31-банд «молия бўлими» сўзларидан кейин «ҳамда тегишли туман ҳокими ёрдамчиси» сўзлари билан тўлдирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июлдаги 373-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 30<sup>6</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30<sup>6</sup>. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида томорқа ер эгаларига 3 миллион сўмгача микрокредитлар берилади ҳамда ушбу микрокредитлар ягона электрон платформа орқали ажратилади;

бир қишлоқда истиқомат қиладиган бир нечта томорқа ер эгаси (жисмоний шахс)га бир дона вертикал суғориш қудуғини бурғилаш учун кредит ажратишга рухсат берилади;

битта контурда жойлашган камида учта деҳқон хўжалигига қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида битта катта ҳажмдаги вертикал суғориш қудуғини бурғилаш ва ишга тушириш учун тижорат банкларидан кредит олишга рухсат берилади»;

б) 33-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хорижий таъминотчиларга Ўзбекистон резидентларига белгиланган талаблар доирасида ортиқча ҳужжатларсиз Маркетплейс тизимида кириш ҳуқуқи берилади».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****87 Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаоли-  
ятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги  
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3219-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 13 декабрдаги 30/6-сон қарори (рўйхат рақами 3219, 2020 йил 10 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 10/20/3219/0160-сон) билан тасдиқланган Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

**Раис****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 26 январь,  
42/17-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг 2024 йил  
26 январдаги 42/17-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Мазкур Низом ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солинишини белгилайди.»
2. 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«**қарздор-банк** — ташкилот томонидан молиявий ресурсларни ажратиш йўли билан ипотека кредитлари қайта молиялаштирилган тижорат банки (бундан буён матнда банк деб юритилади);».
3. Қуйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:  
«1<sup>1</sup>. Ташкилот:  
банкларга улар томонидан берилган ёки бериладиган ипотека кредитларига молиявий маблағлар тақдим этишга;  
банклар томонидан берилган ипотека кредитлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқини олишга;  
пул маблағларини банклар томонидан чиқарилган ипотека қимматли қоғозларига жойлаштиришга;  
ипотека кредитларини қайта молиялаштириш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатишга;  
хизматларни масофадан туриб (электрон хизматлар) кўрсатишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларини, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ва уларнинг қарз қимматли қоғозларини сотиб олишга, бўш пул маблағларини банкка омонатлар (депозитлар) сифатида киритишга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлишга ҳақли.»
4. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«4. Қарздор-банкка қуйидаги ҳолларда ташкилот томонидан кредит ресурслари ажратилмайди:  
охирги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисоботига салбий фикр билдирилган аудиторлик хулосаси тузилган бўлса;  
қарздор-банк «Standard & Poor`s» ва «Fitch Ratings» компанияларининг «В-» ҳамда «Moody`s Investors Service» компаниясининг «В3» ёки Марказий банк томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасига тенг ёки ундан кам бўлган рейтинг баҳоларига эга бўлса;  
кетма-кет охирги тўрт чоракда фаолиятини зарар билан якунлаган бўлса;  
Марказий банк томонидан ўрнатилган капитал монандилиги бўйича пруденциал нормативларга риоя этилмаган бўлса.»
5. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«5. Ташкилот қарздор-банкнинг гаров таъминотини қайта молиялашти-

ришдан аввал тақдим этилган ипотека кредитларини уларга бўлган мувофиқлик талабларига мослигини таҳлилдан ўтказиши, шунингдек қайта молиялаштирганидан сўнг ҳар йили камида бир маротаба гаров таъминотларини иқтисодий таҳлил асосида қайта баҳолаши лозим.».

6. 6-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор-банк таъминотни алмаштириб бериши ёки унга ажратилган ресурснинг мувофиқлик мезонларига мос келувчи таъминот билан таъминланмаган қисмини ташкилот талабига кўра қайтариб беради.».

7. 7 — 9-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Ташкилот ўз фаолиятини қўйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштиради:

ўз маблағлари;

банкларнинг кредитлари;

грантлар;

ўз иштирокчиларидан (акциядорларидан) жалб этилган қарз маблағлари; корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат жамғармаларининг маблағлари;

халқаро молия институтларининг, чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг қарз маблағлари;

юридик шахслардан, шу жумладан чет эл юридик шахсларидан олинган қарз маблағлари;

ипотека қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Ташкилот қўйидагиларга ҳақли эмас:

бевосита ишлаб чиқариш, суғурта, шунингдек савдо фаолиятини амалга оширишга ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолиятни амалга оширишга;

жисмоний ва юридик шахслардан омонатларни (депозитларни) жалб этишга;

жисмоний шахс бўлган иштирокчилардан (акциядорлардан) устав фондига (устав капиталига) киритилган ҳисса суммасидан ёки уларнинг эгалигидаги акцияларнинг номинал қийматидан ошадиган миқдорда қарз маблағларини жалб этишга, бундан облигациялар шаклидаги қарз маблағларини жалб этиш мустасно.

9. Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг фаолияти у ҳақидаги маълумотларни ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.».

8. 11-банднинг учинчи хатбошисидаги «депозитга» деган сўздан кейин «, шунингдек репо операцияларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. Қўйидаги мазмундаги 11<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«11<sup>1</sup>. Ташкилот ва унинг филиалларини ташкил этиш, жумладан ташкилотни ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ва ташкилот ҳақидаги маълумотларни

реестрдан чиқариш Ўзбекистон Республикаси «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2 ва 3-бобларига мувофиқ амалга оширилади.».

10. 2, 3 ва 4-боблар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Ташкилотнинг банкларга жойлаштирган активлари сифати қуйидагича таснифланади:

асосий қарз ва (ёки) фоизлар ўз муддатида қайтарилишига шубҳа туғдирмайдиган активлар — «стандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 5 кунгача кечиктирилганда — «субстандарт»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 5 кундан 10 кунгача кечиктирилганда — «қоникарсиз»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 11 кундан 30 кунгача кечиктирилганда — «шубҳали»;

асосий қарз ва (ёки) фоизларни қайтариш муддати 31 ва ундан ортик кунга кечиктирилганда, шунингдек актив жойлаштирилган банкнинг лицензияси чақириб олинган ёки бошқа тартибда уни тугатиш ишлари бошланганда — «умидсиз».

Бунда, ташкилот томонидан актив жойлаштирилган банкларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда Марказий банк томонидан ўрнатилган пруденциал нормативларнинг бажарилиши мунтазам ўрганиб борилади.».

12. 50-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 52-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Активларнинг қуйида келтирилган асосий шартларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қарз олувчининг молиявий қийинчиликлари сабабли ўзгартирилган бўлса, улар шартлари қайта кўриб чиқилган активлар деб ҳисобланади:

фоиз ставкасининг пасайтирилиши, шартномада белгиланган ўзгарувчан фоиз ставкаси пасайиши муносабати билан фоиз ставкасининг пасайтирилиши ҳолатлари бундан мустасно;

фоизлар ва (ёки) асосий қарзга доир тўловларнинг бир қисми ёки барчасидан воз кечилиши;

активнинг асосий ва (ёки) фоизларининг тўлаш муддати кечиктирилиши ёки узайтирилиши, қарз олувчини молиялаштиришни бошлаш муддати ўзгариши ҳисобига тўлов графигининг ёки тўловлар тўланадиган ой ичида тўлов санасининг ўзгартирилиши бундан мустасно.

Ташкилотнинг шартлари қайта кўриб чиқилган активлар сифатини таснифлаш тоифаси шартлари қайта кўриб чиқилишидан олдинги тоифасидан бир поғонага паст бўлади.».

14. 56-бандда «аудит қўмитасига» деган сўзлар «кузатув кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 63-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«63. Ташкилот молиявий ва назоратга доир ҳисоботларини мазкур Низомнинг 1 — 16-иловаларига мувофиқ шаклларда ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-санасигача Марказий банкка тақдим этиши лозим.

Агар ойнинг 10-санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бунда ҳисоботлар дам олиш ёки байрам кунидан кейинги иш кунида тақдим этилиши лозим. Тақдим этилган молиявий ҳисоботларда хато ва камчиликлар аниқланганда, камчиликлар тузатилиб, икки иш кунида қайта тақдим этилиши шарт.».

16. Қуйидаги мазмундаги 63<sup>1</sup> ва 63<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«63<sup>1</sup>. Молиявий ва назоратга доир ҳисоботлардаги маълумотлар ҳисобот ойнинг охири кунида амалга оширилган амалиётларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳисобот ойнинг охири санаси ҳолатига кўрсатилиши керак.

63<sup>2</sup>. Молиявий ва назоратга доир ҳисоботлар ташкилот ижро этувчи органи раҳбарининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши лозим.».

17. Қуйидаги мазмундаги 65<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«65<sup>1</sup>. Регулятив капитал I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат.».

18. 66, 73 ва 75-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

19. 76-банд «Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида»ги» деган сўзлардан кейин «Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

20. 77-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

21. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирдаги 1 — 16-иловалар\* билан тўлдирилсин.

---

\* 1 — 16-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**88** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»га ўзгартиришлар ва  
қўшимча киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-6*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон буйруғи (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.01.2019 й., 10/19/3124/2524-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 февраль,  
102-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 6 мартда эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
2 февралдаги 102-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»га киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 10-банддаги «(рўйхат рақами 2837, 2016 йил 8 ноябрь)» деган сўзлар «(рўйхат рақами 3255, 2020 йил 30 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 137-банддаги ва 147-банднинг биринчи хатбошисидаги «тегишли ғазначилик бўлинмалари» деган сўзлар «тегишлилиги бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳудудий иқтисодиёт ва молия органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 138-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«138. Дастурий мажмуа орқали бюджет ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчисининг электрон имзоси билан тасдиқланган электрон шаклдаги молиявий ҳисоботларни қоғозга чоп этилиши талаб этилмайди.»

4. 139-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«139. Бюджет маблағларини тақсимловчилар ва марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати жамланма молиявий ҳисоботларни дастурий мажмуа орқали ваколатли ходимлари томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда электрон шаклда тегишлилиги бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига тақдим этади.»

5. 140-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 141-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«141. Молиявий ҳисоботларни электрон шаклда тақдим қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, бюджет ташкилотлари молиявий ҳисоботларни тегишлилиги бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига қоғоз шаклида имзоланган ҳолда бир нусхада тақдим этади.

Мазкур ҳисоботларда бюджет ташкилотларининг муҳри, раҳбари ва бош ҳисобчисининг имзолари мавжуд бўлмаса, улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.»

7. 142 ва 148-бандлардаги «тегишли ғазначилик бўлинмаларига» деган сўзлар «тегишлилиги бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳудудий иқтисодиёт ва молия органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 143-банддаги «Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасига» деган сўзлар «Иқтисодиёт ва молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 155-бандда:

биринчи хатбошидаги «ғазначилик бўлинмалари, молия ва» деган сўзлар «ғазначилик хизмати бўлинмалари, иқтисодиёт ва молия ҳамда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Давлат солиқ қўмитасини» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 167-банднинг биринчи хатбошиси ва 168-банднинг биринчи хатбошидаги «Фазначилик хизмати бошқармалари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 169-банднинг учинчи хатбошисидаги «молия бош бошқармалари» деган сўзлар «иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 1-илованинг 290-қаторидан кейин қўйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«

ПАССИВ			
--------	--	--	--

».

13. 2-илованинг 120-қатори номидаги «020» рақамлари «030» рақамлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**89** **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3500*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ–156-сон «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2024 йил 7 февраль,  
6-сон

**А. ХУДАЯРОВ**

*Келишилди:*

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

2024 йил 6 февраль

**Д. КУЧКАРОВ**

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 11 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил  
7 февралдаги 6-сон буйруғига  
ИЛОВА

## **Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳамда унинг фаолиятини бошқариш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ҳазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади.

2. Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

### **2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишлари**

3. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар;

спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини бепул етказиб бериш харажатлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар;

Вазирлик тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг бўш турган бинолари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини оммавий савдолар (аукцион)да сотишдан тушадиган маблағларнинг республика бюджетига ўтказиладиган 50 фоизи;

Вазирлик тизимидаги муассаса ва ташкилотларнинг мол-мулкани ижарага беришдан тушадиган тушумларнинг, Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг операцион харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган 100 фоизи;

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқаро молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларининг грантлари ва техник кўмак маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Газначилик хизмати қўмитаси томонидан Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга сарфланади:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Вазирлик тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар сотиб олиш ва ахборот-коммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш;

тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ва ривожлантириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Вазирлик тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг ходимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, шунингдек, Вазирлик тизимидаги муассасалар ва ташкилотларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича юқори технологик мураккаб операцияларни амалга ошириш учун мутахассисларни, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

маҳаллий ва хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш мақсадида экспертлик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш, уларга асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини харид қилиш;

Вазирлик томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг республикада амалга оширилмайдиган жарроҳлик амалиётларини хорижий мамлакатларда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг юқори технологик ташхис ва даволаш-профилактика хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш;

Вазирлик тизими ходимларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва стажиров-

касани ташкил этиш, шу жумладан хорижий мамлакатларга ташрифларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

олий ва ўрта тиббиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

Жамғарма ва унинг дирекцияси, шунингдек, Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни, шу жумладан қуйидагиларни:

тез тиббий ёрдам хизматининг махсус автотранспортини харид қилиш ва транспорт паркини ўз вақтида янгилаш, шунингдек, уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни харид қилиш;

тез тиббий ёрдам хизматининг ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва амалиёт ўташини, шу жумладан хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдам хизмати ходимларига устамалар, мукофот пуллари ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни тўлаш;

тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни дори воситалари билан даволаш, тиббий, реабилитацион, паллиатив, шу жумладан юқори технологик ихтисослашган амалиёт тадбирларини молиялаштириш.

5. Жамғарманинг жорий молия йилида фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган) маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади.

### **3-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш ва бошқариш**

6. Жамғарманинг маблағлари ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ таркибда шакллантирилган Жамғарма кузатув кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) қарорига кўра сарфланади.

7. Жамғарма маблағлари бўйича даромад ва харажатлар сметаси Вазирлик, унинг тизимидаги тегишли муассасалар ва органларнинг мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган йўналишлар бўйича тақдим этган ҳисоб-китоблари асосида Жамғарма дирекцияси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ташхис қўйиладиган ва даволанадиган онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар рўйхати Вазирлик томонидан тасдиқланади.

8. Кенгаш тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳар йили 10 январга қадар, заруратга қўра, йил давомида бир неча маротаба Жамғарма маблағлари ҳисобидан онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган ҳамда «Спинал мушак атрофияси» ташхиси қўйилган беморларга (бундан буён матнда беморлар деб юритилади) тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳажмини (бундан буён матнда тиббий-ижтимоий ёрдам ҳажми деб юритилади) тасдиқлайди.

Бунда, Кенгаш:

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар йили, заруратга қўра, йил давомида бир неча маротаба тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиладиган беморлар рўйхатини (бундан буён матнда рўйхат деб юритилади) Вазирлик тақдим этган статистик маълумотлар ҳамда ушбу беморларга тегишли тиббиёт ходимлари томонидан қўйилган ташхис ва хулосалар асосида тасдиқлайди.

рўйхатга киритиладиган беморлар уларга қўйилган ташхис асосида уларнинг ҳолатининг енгил, ўрта оғир, оғир ва ўта оғирлигидан келиб чиқиб ажратилади;

б) Жамғарма маблағларидан беморларга:

тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларига асбоб-ускуналар, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини сотиб олиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади;

йил давомида бир нафар бемор учун касаллик турига қараб Жамғарма маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган ёрдам ҳажми, қиймати ва етказиб бериладиган дори воситаларининг турлари юзасидан режалаштирилган кўмак ҳажмини ишлаб чиқади;

юқори технологияли мураккаб операцияларни амалга ошириш учун хорижий мутахассисларни республикага жалб қилиш учун мураккаб операциялар рўйхати, шунингдек, ушбу мутахассисларни келиши ва кетиши билан боғлиқ (меҳмонхона ҳамда хизмат ҳақи ва бошқалар) харажатлари миқдорини тасдиқлайди;

республика ҳудудидаги давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларидан харид қилинадиган юқори технологик ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш хизмат турларини тасдиқлайди.

9. Мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган бошқа йўналишлар учун маблағларни сарфлаш уларнинг аниқ мақсадлари, йўналишлари ва унинг миқдорини кўрсатган ҳолда Кенгашнинг қарори асосида амалга оширилади.

10. Кенгаш мажлислари заруратга қўра, бироқ ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади. Кенгаш мажлисларини Кенгаш раиси, Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда, Кенгаш раиси ўринбосари бошқаради.

11. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ўтказилган ҳисобланади.

12. Кенгаш мажлисини ўтказиш учун кворум ёки раис ва унинг ўринбосари бўлмаганда, Кенгаш мажлисини ўтказишнинг янги санаси эълон қилинади.

13. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусиятига қўра манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари, тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар вакиллари таклиф этилиши мумкин.



14. Кенгаш қарори унинг мажлисда қатнашган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Кенгаш раисининг ёки раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

15. Кенгаш қарорлари Кенгаш мажлиси баёни билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баёни Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

16. Кенгаш:

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогноз параметрларини ҳамда йиллик харажатлар сметасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

Жамғарма маблағларини сарфлаш юзасидан қарорлар қабул қилади;

Дирекция томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади ва тасдиқлайди;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан муассасалар томонидан қабул қилинган маҳсулотларнинг сарфланиши юзасидан ҳисоботларни эшитади;

Дирекция фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Дирекция фаолиятини, шу жумладан, унинг даромад ва харажатлар прогноз параметрлари ижросини, маблағларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилади;

тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришга амалий кўмаклашиш ва унинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича маблағларни ажратиш, сарфлаш, ижроси ва натижадорлигини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилади;

иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш юзасидан маблағларни ажратиш, сарфлаш, ижроси ва натижадорлигини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилади;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Вазирлик тизимидаги давлат тиббиёт муассасаларининг ходимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш масалаларини кўриб чиқади;

Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан белгиланган мақсадлар бўйича оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали, шу жумладан, тегишли расмий веб-сайтлар орқали охириги олти ой давомида амалга оширилган ишлар юзасидан йилда икки мартаба ҳисоботни эълон қилади;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

17. Қўйидагилар Кенгаш аъзоларининг вазифалари ҳисобланади:

мажлисларда кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда иштирок этиш;

кўриб чиқиладиган масалалар бўйича овоз бериш;

мажлисларда шахсан қатнашиш, агар қатнашиш имкони бўлмаган тақ-

дирда, мажлис кун тартиби бўйича ўз фикрини ёзма равишда тақдим этишга ҳақлидирлар.

18. Кенгаш раиси:

Кенгаш мажлиси кун тартибини белгилайди ва тасдиқлайди;

Кенгаш қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Кенгаш аъзоларига юкланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан уларнинг ишини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш учун бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Кенгаш котиби:

ушбу Низомда белгиланган мақсадларга Жамғармадан маблағ олишга оид мурожаатларни Кенгаш мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш учун Кенгашнинг аъзоларига тегишлилиги бўйича тақсимлайди;

Кенгаш мажлисига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

мажлисни ўтказиш муддатлари ва жойи бўйича Кенгаш раисига таклифлар киритади;

кун тартибидаги масалалари бўйича Кенгаш мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлис санаси, вақти, жойи ва кун тартиби лойиҳаси бўйича хабардор қилади;

Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга юборади;

Кенгаш қарорлари ижросининг назоратини юритади ҳамда Кенгашга мунтазам равишда ахборот киритиб боради.

#### **4-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш**

20. Жамғарма дирекцияси Жамғарманинг ишчи органи ҳисобланади.

21. Қуйидагилар Дирекциянинг вазифалари ҳисобланади:

маблағлар ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисоби юритилишини, статистика ва бухгалтерия ҳамда бошқа турдаги ҳисоботлар тузилишини ҳамда улар Кенгаш ва тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этилишини ташкил қилади;

Жамғарма маблағларини олувчиларининг жамланган ҳисоботларини қабул қилади ва ўрганади;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик молиявий режасини ишлаб чиқади;

даромадлар ва харажатлар сметаларини тайёрлайди, шунингдек уларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар киритади;

Жамғарма тушумларини кўпайтириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Жамғармага хорижий инвестициялар, грантлар ҳамда хомийлик хайрияларини жалб қилиш чораларини кўради;

қўшимча даромадларни жалб этиш мақсадида вақтинча бўш маблағларни белгиланган тартибда тижорат банклари депозитларига жойлаштириш бўйича Кенгашга таклиф киритади;

Жамғарманинг тушумлар манбалари бўйича даромадлари ҳамда асосий харажатлари йўналишлари бўйича ҳисобини юритади;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Кенгаш қарорлари асосида белгиланган тадбирлар доирасида харидларни ташкил этиш бўйича тақдим қилинган буюртмаларни (эхтиёж, техник топшириқларни) Кенгашда кўриб чиқилиши учун киритилишини таъминлайди;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳисоботларини мунтазам равишда Кенгашга киритади ва Кенгаш йиғилишларида иштирок этади;

ҳар чорак якуни бўйича Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ҳамда Кенгашга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

Жамғарма томонидан ажратилган маблағлар бўйича Кенгаш билан келишган ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма маблағлари сарфлашининг шаффофлигини, унинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобдорликни, шунингдек фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини ҳамда ушбу маблағлардан белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлайди;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу тадбирлар ва уларнинг натижалари тўғрисида вазирликнинг расмий веб-сайтида йилда камида икки мартаба ҳисоботларни эълон қилади.

22. Кенгаш тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ ҳар йили 10 январга қадар, заруратга кўра, йил давомида бир неча мартаба Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳажмини тасдиқлайди.

### **5-боб. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат**

23. Кенгаш ва Дирекция ажратилаётган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш учун жавобгардир.

24. Дирекция Кенгаш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этади.

25. Кенгаш Жамғарма маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланишини назорат қилиб боради.

### **6-боб. Якуний ҳолида**

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2024 йил 26 январдаги 42/17-сон «Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2024 йил 5 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3219-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 2 февралдаги 102-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»га ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2024 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-6.***

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2024 йил 7 февралдаги 6-сон «Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2024 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3500.***

